

**“Шахрисабз вино-ароқ” акциядорлик жамияти акциядорларининг
2017 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилиши
1-сонли БАЁННОМАСИ**

15.05.2018 йил, соат 11-00

*Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри,
“Ипак йўли” кўчаси, 170-уй,
жамият мажлислар зали*

Қимматли қогозлар марказий депозитарийси томонидан 08.05.2018 йил ҳолатига ёпилган жамият акциядорларининг реестрига кўра, “Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг 943 030 дона овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялари мавжуд бўлиб, улар 236 та акциядорларнинг улушини ташкил этади.

Мажлисда катнашганлар: Реестр бўйича 891 750 дона акцияларнинг эгалари бўлгани 47 та акциядорлар:

- “Ўзшаробсаноат” АЖ номидан 10.05.2018 йилдаги №ОМ-01-12/1370-сонли ишончнома асосида З.З.Якубов – 481 000 дона ёки 51,01 фоиз акция эгаси;

- Давлат ракобат кўмитаси ҳузуридаги “Давлат активларини бошқариш маркази” ДУК номидан 14.05.2018 йилдаги 47-сонли ишончномага асосан Молия вазирлиги бошқарма бошлиги К.У.Худайбердиев – 381 720 дона ёки 40,48 фоиз акция эгаси;

- “Китоб агрофирма” номидан Бурхонов Зариф – 11 920 дона ёки 1,26 фоиз акция эгаси;

-44 та жисмоний шахслар – 17110 дона ёки 1,81 фоиз акция эгалари.

Таклиф этилганлар:

“Kafolat-Lyuks” аудиторлик ташкилоти аудитори К. Тургунов.

Тафтиш комиссияси вакили С.Бутаёров

Жамият бошқарув раиси С.Рузиев ва бошқарув аъзолари, жамият ишчи ва ходимлари (рўйхат бўйича).

Ташкилий масалалар: Саноқ комиссияси раиси А.Худойкулов мажлиснинг очилиши олдидан 891 750 та овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар эканлигини ва кворум 94,56%ни ташкил этишини таъкидлаб, мажлис ўтказилиши ҳуқуқий деб ҳисобланиб, мажлисни очик деб эълон қилди.

Шундан сўнг, кузатув кенгаши раиси З.Якубов йиғилиш ишчи президиумини сайлаб олиш таклифини киритди ва жамиятнинг қимматли қогозлар бўйича мутахассиси Р.Шарипов йиғилиш ишчи президиуми уч кишидан иборатлигини таъкидлаб, қуйидаги номзодларни таклиф этди:

1. Якубов З.З. “Ўзшаробсаноат” АЖ бўлим бошлиги, кузатув кенгаши раиси;

2. Худайбердиев К.У. Молия вазирлиги бошқарма бошлиги, кузатув кенгаш аъзоси;

3. Рузиев С.Ж. Жамият бошқарув раиси;

Мажлис раиси этиб З.З.Якубовни, котиб этиб Р.Шариповни сайлаш, мажлисда кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш, овоз бериш тартиби бюллетенлар орқали ўтказилиши таклифи берилди.

Ушбу таклиф йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартиби:

1. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ акциядорларининг 2017 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

2. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгашининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

3. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ тафтиш комиссиясининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

4. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раисининг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

5. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ ташқи аудиторининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

6. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2017 йил якуни бўйича жамият бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.

7. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини келгуси йил молия-хўжалик якуни бўйича йиллик умумий йигилиш ўтказгунга қадар узайтириш.

8. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2017 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

9. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг жойлаштирилган акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш миқдори, шакли ва тартибини тасдиқлаш.

10. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2018 йил учун тузилган “Бизнес-режа”сини тасдиқлаш.

11. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

12. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижро органи аъзоларини ҳамда корхона ишчи-ҳодимларини фолият олиб борган даври учун рағбатлантириш.

13. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

14. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

15. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖда 2018 йил учун ташқи аудиторлик текширувини ўтказишга аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

16. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ молиявий ҳисоботларини БҲМС форматидан МҲХС форматига трансформация қилишни танлов асосида ўтказиш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

17. Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

18. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини маъқуллаш.

19. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

1. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ акциядорларининг 2017 йил якуни бўйича йиллик умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш.

Кун тартибининг **биринчи масаласи** юзасидан, йигилиш раиси З.З.Якубов сўзга чиқиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йигилиши регламентини ўқиб эшиттирди.

Мажлис регламенти қуйидагича:

Кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича 5 минутдан, жами 19 та масалага танаффуссиз 105 минут ажратилсин;

Савол ва жавоблар – 5 минут;

Овозга қўйиш – 5 минут;

Йигилиш учун ажратилган вақт танаффуссиз 2 соат оралигида;

Бериладиган саволлар ёзма ёки оғзаки берилиши мумкин.

Ушбу таклиф жамият акциядорлари ўртасида муҳокама қилиниб овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 100 % (891 750 та) овоз; “Қарши”

– йўқ; “Бетараф” – йўқ.

2. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгашининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

Кун тартибининг **иккинчи масаласи** юзасидан жамиятнинг кузатув кенгаши раиси З.З.Якубов сўзга чиқиб, 2017 йил давомида “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши томонидан ўтказилган йигилишлар, уларда қабул қилинган қарорлар ҳамда уларнинг ижроси юзасидан акциядорларга ҳисобот берди.

2017 йил давомида “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши томонидан 4 та навбатдаги ва 10 та навбатдан ташқари жами 14 та йигилиш ўтказилди ва шу билан бирга акциядорларнинг 1 навбатдаги ва 1 та навбатдан ташқари умумий йигилиши бўлиб ўтди.

Кузатув кенгаши йигилишлари 2017 йил 15 июн кунида кенгаш томонидан тасдиқланган кенгаш аъзоларининг 2017-2018 йилларда олиб бориладиган ишлари юзасидан белгиланган “Иш режаси” асосида ўтказилди.

Кузатув кенгаши йигилишларида жамият раисининг чораклик натижалари бўйича молия-хўжалик ҳисоботлари, 2017 йил учун ишлаб чиқилган жамият бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари тингланиб, ушбу ҳисоботлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган камчиликлар юзасидан корхонанинг молиявий аҳволини соғломлаштириш чоратadbирлари ишлаб чиқилиб, аниқ кўрсатмалар берилиб, уларнинг бажарилиши бўйича доимий назорат қилиб борилди.

Ҳозирги кунда, Мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан Республикаимизнинг барча вилоятларида ислохотлар шиддат билан амалга оширилаётгани ҳаммамизнинг ҳаётимизга ҳар куни қандайдир бир муҳим ўзгаришлар, янгиликлар бўляпти. Давлатимиз раҳбари кунда-кунора юртимиз ҳудудларига ташриф буюриб, хонадонма-хонадон юрибдилар ва жойларда олиб борилаётган ислохотлар билан ўзлари шахсан бориб танишиб ҳақиқий аҳволини ўз кўзлари билан кўриб, муаммоларга очиқ юз билан бормоқдалар.

Ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, “Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг ишчи ходимлари, маъмурияти ҳам жамиятнинг ишлаб чиқариш ва администрация биноларини капитал таъмирлаш, замонавийлаштиришимиз, вино падвалини янгилаш ва дуб бочкалар олиб келиш, замонавий, тежамкор, янги ишлаб чиқариш линияларини ўрнатиш, дегустация зали қуришимиз лозим. Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларни амалга ошириш учун “Ўзшаробсаноат” АЖнинг маъсул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ жамиятга ташриф буюриб “Шахрисабз вино-ароқ” АЖдаги мавжуд ҳолатни тўлиқ ўрганиб чиқиб, ўз тавсияларини бердилар ва “Ўзшаробсаноат” АЖ бошқарув раиси томонидан тасдиқланган режа ишлаб чиқилди. “Ўзшаробсаноат” АЖ томонидан “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режага асосан белгилаб олинган вазифаларни бирма-бир амалга ошириш лозимлигини таъкидлади. (ҳисобот илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгашининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Ушбу таклиф жамият акциядорлари ўртасида муҳокама қилиниб овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 100 % (891 750 та) овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

3. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ тафтиш комиссиясининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

Кун тартибининг **учинчи масаласи** юзасидан жамият молиявий масалалари бўйича директори А.Рузиев сўзга чиқиб, “Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2017 йилда олиб борилган молиявий-хўжалик фаолияти жамият тафтиш комиссияси аъзолари томонидан ўрганилиб чиқилганлигини ва қуйидагича хулоса берилганлигини маълум қилди.

“Шахрисабз вино-ароқ” АЖда 2017 йилда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш режада 30458,58 минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда эса 37149,36 минг сўмга бажарилган.

2017 йилда чакана баҳода 70 млрд 550 млн 445 минг сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш режалаштирилиб, амалда 74 млрд 440 млн 799 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Режага нисбатан 105,5 фоиз, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бу тур кўрсаткич бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш 123,0 фоизга бажарилган.

2017 йил юқори рентабелли сувенир ароқ маҳсулотларнинг ўтган йил жорий даврга нисбатан 22,0 минг дал (127,9%) кўп ишлаб чиқарилганлиги, 189,16 минг дал виноматериал, 90 тн дал узум шинниси сотилгани ва ароқ маҳсулотлари юқори рентабеллик даражаси белгиланганлиги соф фойданинг кўпайишига сабаб бўлди. Шунингдек, жамият томонидан жорий йилда экспорт топширигини бажариш мақсадида жами 106,6 тн узум шинниси Қозогистон, Россия далавларига экспорт қилинди ва жами 93,24 минг АҚШ доллари миқдорига валюта тушуми амалга оширилди.

Солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа 7 млрд 161 млн 497 минг сўм ёки режа 172,8 фоизга бажарилган.

Жамиятнинг 2017 йилда олинган соф фойдаси 6 млрд 077 млн 560 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бизнес режада 4 млрд. 766 млн. 353 минг сўм этиб белгиланган ва бизнес режа 127,5 фоизга бажарилган.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан ялпи фойда режада 7 млрд. 875 млн. 541 минг сўм бўлиб, ҳақиқатда 12 млрд 513 млн 784 минг сўмга бажарилган ёки режа 158,9 фоизга бажарилди.

Сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи режада 22 млрд. 402 млн. 857 минг сўм бўлиб, ҳақиқатда 26 млрд 442 млн 035 минг сўмни ташкил этди ёки бизнес режа 118,0 фоизга бажарилган. Ишлаб чиқариш ҳажми ошганлиги сабабли маҳсулот таннархи режага нисбатан 18,0 фоизга кўтарилди. Ҳисобот даврида жами давр харажатлари 5 млрд 998 млн 223 минг сўмни ташкил этган.

Дебиторлик қарзлари 406,695 миллион сўмни ташкил этган.

Кредиторлик қарзлари 2311,833 миллион сўмни ташкил этган.

Жамиятнинг 2017 йил якунида иш ҳақидан 137 098 минг сўм қарздорлик мавжуд.

Жамият томонидан 2017 йилда жами 254347,5 минг сўм хомийлик маблағлари ўтказилган.

Ўрганиш давомида “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг аффилиланган шахслари билан битим тузиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги аниқланди.

Тафтиш гуруҳи томонидан акциядорлик жамиятининг молиявий ахволини яхшилаш, текширувда кўрсатиб ўтилган айрим камчиликларни келгуси ҳисобот даврларида такрорланмаслигини олдини олиш мақсадида қуйидаги **тавсиялар тақлиф этилади:**

Жамиятнинг айланма маблағларидан самарали фойдаланиш, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнидан четланишини меъёрлар доирасидан ошиб кетмаслигини таъминлаш;

Хомийлик ва корхонанинг молиявий ахволига таъсир этувчи ҳар қандай харажатларни жамият томонидан қабул қилинган бизнес-режа кўрсаткичларидан ошиб кетмаслигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Саноат соҳалари корхоналарининг ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришга ҳамда жисмонан ва маънан эскирган ускуналарни жадал равишда янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2692-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида замонавий тежамкор технологияларни жорий қилиш, шунингдек, корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини 11% камайтириш чораларини кўриш.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган узум хом-ашёсини нес-нобуд қилмасдан ўз вақтида қабул қилиб олиб, юқори сифатли ва экспортбоп виноматериаллар ишлаб чиқаришни таъминлаш юзасидан тегишли тадбирларни амалга ошириш; (ҳисобот илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ тафтиш комиссиясининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тақлифи киритилди.

Ушбу тақлиф жамият акциядорлари ўртасида муҳокама қилиниб овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 100 % (891 750 та) овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

4. “Шахрисабз вино-арок” АЖ бошқарув раисининг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисobotини эшитиш.

“Шахрисабз вино-арок” АЖ томонидан 2017 йилда 470 минг дал арок, 90 минг дал вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилиб, амалда 472 минг дал арок маҳсулоти ишлаб чиқарилди ёки режа 100,4 фоизга, 90,3 минг дал вино маҳсулоти ишлаб чиқарилди ёки режа кўрсаткичи 100,3 фоизга бажарилди.

Бизнес режага асосан 2017 йил 12 ойда чакана баҳода 70 млрд 550 млн 445 минг сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш режалаштирилиб, амалда 74 млрд 440 млн 799 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ушбу кўрсаткич белгиланган режага нисбатан 105,5 фоиз, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бу тур кўрсаткич бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш 123,0 фоизга бажарилди.

Таққослама баҳода 30 млрд 485 млн 580 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилиб, амалда 37 млрд 149 млн 360 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ўсиш суръати режага нисбатан 121,9 фоиз, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 125,5 фоизни ташкил этди.

Амалдаги баҳода 33 млрд 362 млн 517 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилиб, амалда 39 млрд 568 млн 431 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2017 йилда 78 млрд 312 млн 964 минг сўмлик маҳсулотлар сотилиб, бюджетга жами 40 млрд 165 млн 205 минг сўмлик солиқ ва ажратмалар ўтказиб берилди, шундан 26 млрд 394 млн 568 минг акциз солиғи, 12 млрд 962 млн 577 минг сўм қўшимча қиймат солиғини ташкил этди. Бюджетга ҳисобланган солиқ ва ажратмалар ўз вақтида тўлиқ ўтказиб берилмоқда.

Жамият томонидан 2017 йилда олинган **соф фойда 6 млрд 77 млн 560 минг сўм**ни ташкил этди. Бизнес режага нисбатан 1 млрд 311 млн 207 минг сўм яъни 127,4 фоиз, ўтган йилга нисбатан 1 млрд 596 млн 897 минг сўм, яъни 135,6 фоиз кўп соф фойда олишга эришилди.

2017 йилда юқори рентабелли сувенир арок маҳсулотлари ўтган йил жорий даврга нисбатан 22,0 минг дал (127,9%) кўп ишлаб чиқарилди, Шунингдек, ички бозорга 189,16 минг дал виноматериал ва 90 тн узум шинниси сотилди.

Жамият томонидан 2017 йилда экспорт топширигини бажариш мақсадида жами 106,6 тн узум шинниси Қозогистон ва Россия давлатларига экспорт қилинди ва жами 93,24 минг АҚШ доллари миқдорида валюта тушуми амалга оширилди.

2017 йилнинг 6-10 феврал кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Энг яхши маҳсулот-2017” халқаро кўргазмасида “Кагор” десерт виноси кумуш медаль билан тақдирланди.

Жамиятда 2018 йил 1 январ ҳолатида рўйхат асосида 320 нафар ишчи ходимлар хизмат қилиб келмоқда ва уларнинг иш ҳақи фонди жорий даврда 6 млрд 225 млн сўмни, ўртача иш ҳақи ҳар бир ходимга 1 млн 621 минг сўмга тўғри келди. Ҳисобланган иш ҳақлари ўз вақтида ойма-ой тўлиқ бериб борилмоқда.

2017 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва топшириқларига асосан “Ўзшаробсаноат” АЖнинг буйругига ва вилоят ҳамда туман хокимлигининг қарорларига мувофиқ жами 244 млн 800 минг сўм ҳомийлик ва моддий ёрдам маблағлари ўтказилди.

Ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида 14 млн 466 минг сўм, ишчи-ходимларни муҳофаза қилиш ишларига яъни, дам олиш ва даволаниш масканларида, шифохоналарда даволанишлари учун 23 млн 293 минг сўм ажратилди.

2017 йилда жамият томонидан 116 тн металл, 490 кг рангли метал йиғиш топшириги ўрнатилган бўлиб, режа кўрсаткичлари 100,0 фоизга бажарилди.

Қарши шаҳрида жамиятнинг табиий вино ишлаб чиқарадиган цехини ташкиллаштириш бўйича 1 774,78 млн сўмлик инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Шундан, 1 507,78 млн сўм қурилиш пудрат ишлари учун сарфланди. Тошкент шаҳрида жойлашган “Упакумаш” МЧЖ дан 267,0 млн сўмга қуввати соатида 2,5 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарадиган ускуна ва бутловчи қисмлар сотиб олиниб ушбу лойиҳа ҳисобига 15 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунда 5 киши иш билан таъминланган.

Жамиятда қишлоқ хўжалик соҳаси кенгайиб, жами ташкил этилган 83,7 гектар узумзор ва 5 гектар олмазордан ҳозирги кунда 4,3 гектар бог ва 31,2 гектар токзорлар ҳосилга кирган, бунинг ҳисобига қишлоқ хўжалиги соҳасида 45 нафар ишчи-ҳодимлар хизмат қилиб келмоқда. Жамият томонидан “Тупчоқ узумзорлари” МЧЖга 78,0 млн.сўм ва “Шахрисабз ноз-неъматлари” МЧЖга 153,0 млн сўм, “Яккабоғ узум сервис” МЧЖга 105,0 млн.сўм, “Зарбдор замини” МЧЖга 175,0 млн.сўм жами 511,0 млн.сўм таъсис бадали сифатида улуш киритилди.

2017 йил мавсумда ташкил этилган 4 та агрофирмалар шунингдек, дехкон ва фермер хўжаликларидан 1,81 минг тонна узум ҳосили қабул қилинди мавсумга қадар жами 552,5 млн сўм аванс тўлови ўтказиб берилди.

Жамиятнинг барқарор молиявий фаолиятдан келиб чиқиб, 2018 йилда маҳсулотлар сифатини ошириш ва ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, соатига 6,0 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги замонавий линия сотиб олиш, туризм салоҳиятини ошириш мақсадида жамият тарихий музейи ва дегустация залини ташкил этиш, янги маъмурий бино қурилишини бошлаш ва ишлаб чиқаришга тааллуқли цех ва бўлинмаларни капитал таъмирлаш, мавжуд токзорларга шпаллер сим ёғочларини ўрнатиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш режалаштирилди ҳамда бу борада стратегик дастурлар ишлаб чиқилган.

Жамиятдаги мавжуд бог ва токзорларга ишлов бериш мақсадида қишлоқ хўжалик техникасига бўлган талабини инобатга олган ҳолда 1 дона трактор, 1 дона тележка ва 1 дона ПРВН плуг сотиб олиш режалаштирилган ва 2018 йилнинг 2-чораги билан ушбу қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олинади. Шунингдек, 2018 йилда 1-чорагида ишлаб чиқариш узлуксизлиги таъминлаш мақсадида 460,8 млн сўмга ISUZU юк машинаси сотиб олинди (Маъруза илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раисининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Ушбу таклиф жамият акциядорлари ўртасида муҳокама қилиниб овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 100 % (891 750 та) овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

5. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ ташқи аудиторининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

Кун тартибининг **бешинчи масаласи** юзасидан МЧЖ шаклидаги “Kafolat-Lyuks” аудиторлик ташкилоти аудитори К.Тургунов сўзга чиқиб, “Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2017 йил учун тақдим қилган молиявий ҳисоботларининг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун мазкур жамият раҳбарияти жавобгар эканлигини, берилган аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси учун аудит ташкилоти жавоб беришини айтиб ўтди.

АФМА биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текширув ҳаққонийлигини ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига шунингдек, молиявий хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

“Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2017 йил учун тақдим қилган молиявий ҳисоботлари унинг молиявий аҳолини ҳаққоний акс эттирганлигини таъкидлади. (Маъруза илова қилинади.)

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ ташқи аудиторининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш таклифи киритилди. (Маъруза илова қилинади.)

Ушбу таклиф жамият акциядорлари ўртасида муҳокама қилиниб овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 100 % (891 750 та) овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

6. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2017 йил якуни бўйича жамият бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.

Кун тартибининг олтинчи масаласи юзасидан жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори А.Рузиев сўзга чиқиб, “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ акциядорларининг 2017 йил 14 июн кундаги навбатдаги умумий йиғилиши қарорига асосан 2016 йил якуни бўйича олинган 4 млрд 480 млн 663 минг сўм соф фойда тақсимланиб, 2 млрд 240 млн 331,5 минг сўм дивидендга, 1 млрд 792 млн 265,2 минг сўм ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 448 млн 66,3 минг сўм кузатув кенгаши аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари, бошқарув аъзолари ва ишчи-ҳодимларни (рағбатлантиришга) муқофотлашга тақсимланди. Акциядорларга ажратилган дивидендлардан “Ўзвиносаноат-холдинг” АЖга, давлат улушига ва “Китоб” АФга ажратилган дивидендлар тўлиқ тўлаб берилди.

2017 йилда 78 млрд 312 млн 964 минг сўмлик маҳсулотлар сотилиб, ҚҚС солиғи 12 млрд 962 млн 577 минг сўмни, акциз солиғи 26 млрд 394 млн 568 минг сўмни, сотилган маҳсулотлар таннархи 26 млрд 442 млн 35 минг сўмни, давр харажатлари 5 млрд 998 млн 223 минг сўмни, бошқа даромадлар 701 млн 650 минг сўмни, бошқа харажатлар 55 млн 714 минг сўмни ташкил этиб, фойда солиғи тўлангунга қадар фойда 7 млрд 161 млн 497 минг сўм, фойда солиғи 574 млн 831 минг сўм, инфраструктура солиғи 509 млн 106 минг сўм бўлиб, 2017 йилда олинган соф фойда 6 млрд 77 млн 560 минг сўмни ташкил этди.

2016 йилга нисбатан 2017 йилда 16 млрд 836 млн 845 минг сўмлик маҳсулотлар кўп сотилиб, маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси 3 млрд 86 млн 753 минг сўмга, соф фойда 1 млрд 596 млн 897 минг сўмга кўпайган. Соф фойданинг рентабеллик даражаси таннархга нисбатан 2016 йилда 21,5%ни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 23%ни ташкил этди. Соф фойданинг рентабеллик даражаси умумий харажатларга нисбатан 2016 йилда 16,95%ни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 18,7%ни ташкил этди.

2017 йилда эса 41 млрд 341 млн 333 минг сўмлик солиқ ва ажратмалар ҳисобланиб, Давлат бюджетига 40 млрд 156 млн 205 минг сўм ўтказиб берилди. 2016 йилга нисбатан 2017 йилда Давлат бюджетига 8 млрд 761 млн 30 минг сўмлик солиқ ва ажратмалар кўп ҳисобланиб, 6 млрд 876 млн 140 минг сўм маблағ кўп ўтказиб берилган.

Дебитор қарзлар 2017 йил 1 январ ҳолатида 1 млрд 275 млн 544 минг сўм бўлиб, 2018 йил 1 январ ҳолатида 915 млн 64 минг сўмни ташкил этди ва йил бошига нисбатан 360 млн 480 минг сўмга камайган. Муддати ўтган дебитор қарздорликлар мавжуд эмас.

Жорий мажбуриятларимиз 2017 йил 1 январ ҳолатида 2 млрд 513 млн 265 минг сўм бўлиб, 2018 йил 1 январ ҳолатида 2 млрд 911 млн 833 минг сўмни ташкил этди ва йил бошига нисбатан 398 млн 568 минг сўмга кўпайган. Олинган бўнақлар 287 млн 695 минг сўмга, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз 11 млн 464 минг сўмга, Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз 45 млн 749 минг сўмга, таъсисчиларга бўлган қарзлар 657 минг сўмга, қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар 275 млн сўмга, бошқа кредиторлик қарзлар 365 млн 2 минг сўмга камайган бўлса, мол етказиб берувчиларга бўлган қарзлар 216 млн 145 минг сўмга, бюджетга жорий тўловлар бўйича қарздорликлар 1 млрд 47 млн 432 минг сўмга, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз 120 млн 558 минг сўмга купайган. Банк кредити ва бошқа қисқа муддатли қарзлар йил бошига 875 млн сўм бўлиб, йил охирига 600 млн сўмни ташкил этди ёки 275 млн сўмга камайган. Декар ойида ишчи-ҳодимларга тўлаб бериш учун 480 млн 947 минг сўм иш ҳақи ҳисобланган бўлиб, 343 млн 849 минг сўм декабр ойининг ўзида тўлаб берилган ва 2018 йил 1 январ ҳолатига 137 млн 98 минг сўм қарздорлик қолган. Жамият томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари ажратмаларга ҳар ойда ўртача 3,5 млрд сўм пул маблағи ҳисобланган солиқ ва ажратмаларнинг тўлаб бериш муддатларида тўлаб берилмоқда. Декабр ойида бюджетга тўлаб бериш учун 2 млрд 491 млн 942 минг сўм акциз солиғи ҳисобланган бўлиб, 2017 йилга белгиланган прогноз режаси бажарилганлиги учун бюджетга 1 млрд 83 млн сўм пул маблағи тўлаб берилган ва акциз солигидан 1 млрд 304 млн 544 минг сўм жорий қарздорлик юзага келган. Ушбу юзага келган қарздорликни тўлаб бериш учун харидорлардан келиб тушган пул маблағларидан акциядорлик

жамиятимизнинг асосий ҳисоб рақамларида 01.01.2018 йил ҳолатига 2 млрд 114 млн 978 минг сўм пул маблағлари йиғилган.

Акциядорлик жамиятимиз ҳисоб рақамига харидорлардан келиб тушадиган пул маблағлари авваламбор ишлаб чиқариш эҳтиёжларига (иш хақи тўлаб беришга, хом ашё ва ёрдамчи материаллар харид қилишга), жорий ҳисобланган солиқ ва ажратмалар тўловларига йуналтирилмоқда. (Маъруза илова қилинади.)

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2017 йил якуни бўйича жамият бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Ушбу таклиф жамият акциядорлари ўртасида муҳокама қилиниб овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 100 % (891 750 та) овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

7. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини келгуси йил молия-хўжалик якуни бўйича йиллик умумий йиғилиш ўтказгунга қадар узайтириш.

Кун тартибинингеттинчи масаласи юзасидан йиғилиш раиси З.З.Якубов сўзга чиқиб, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси С.Ж.Рузиев ўтган 2017 йил мобайнида раҳбар сифатида ўзининг ижобий томонларини кўрсатганлиги ҳамда 2017 йил учун жамият томонидан қабул қилинган бизнес-режа кўрсаткичларини ошириб бажарганлиги жамиятда ижро органи ҳамда ишчи ва ходимлар билан биргаликда иш олиб бориши, ўзининг ташкилий ишларда ташкилотчи қобилияти борлигини кўрсатди.

Шу боисдан, С.Ж.Рузиев билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш масаласи жамият кузатув кенгашида кўриб чиқилди. Ушбу масалани акциядорлар ўртасида тасдиқлаш таклифи киритилди.

Ушбу таклиф жамият акциядорлари ўртасида муҳокама қилиниб овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 100 % (891 750 та) овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

8. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2017 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

Кун тартибининг саккизинчи масаласи юзасидан жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори А.Рузиев сўзга чиқиб, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2017 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 15 май №АХ/08-01-35-17/237 сонли хатига асосан 6 077 560 214,0 сўм куйидагича тақсимлаш таклифини киритди:

			<i>минг сўмда</i>
№	2017 йил бўйича жами соф фойда	Фоизда	6 077 560,214
1	Акциялар учун дивидент тўлашга (1 дона акция учун 3222,35 сўм)	50	3 038 780 107,0
2	Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, келгусида жамият устав фондиди ошириш шarti билан	30	1 823 268 064,2
3	Инновацион фаолиятини қўллаб қувватлаш жамгармасига	10	607 756 021,4
2	Кузатув кенгаши аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари, жамият ижро органи ва ишчи-ходимларни рағбатлантиришга	10	607 756 021,4

Ушбу таклиф жамият акциядорлари ўртасида муҳокама қилиниб овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 100 % (891 750 та) овоз; “Қарши” – йўқ; “Бетараф” – йўқ.

9. “Шахрисабз вино-арок” АЖнинг жойлаштирилган акцияларнинг хар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш миқдори, шакли ва тартибини тасдиқлаш.

